

ҚУЧ-АДОЛАТДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.olysud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Мамлакатимизда буюк алломаларимизнинг бебадо маънавий меросини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, умроҳий анъана ва қадрияларимизни тиклаш, миллий адабийтимизни ривожлантириш, навқирон авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган илоҳотларнинг бош мақсадидир.

Истиқлоннинг дастлабки ийларидаги Ватанимиз пойтахти Алишер Навоий номидаги файзли бўғ ҳамда шоирнинг улуғвор ҳайкали қад ростлагани, шахримиз марказида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Симпозиумлар саройидан иборат "Маърифат маркази"нинг мухташам биноси бунёд этилгани бунинг яқ-кол далилларидир. Буюк бобомизнинг ижодини ўрганиш, асарларини мукаммал тўплам холидаги чоп этиш, мазмун-мөҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан кенг қаровилишилар амалга оширилмоқда. Буюк мутафаккир асарларидан иборат дастлаб یйирма жилди, сўнгра ўн жилди тўпламларнинг нашр этилгани бу йўналдишдаги эзгу ишларнинг ўзига хос намунасидир.

Шоир асарларида улугланган эзгу ягояларнинг бардавомлиги мамлакатимизда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, соғлам соғлам авлодни тарбиялаш, оналик ва 'болаликни химоялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оиласларни кўллаб-кувватлаш, ота-онаны эъозлаш, ёшларга меҳр ва эътибор кўрсатиш сингарни ибратли ишларда ўзифодасини топмоқда.

Айтиш жоизки, бутун дунёда кенг ўқиб-ўрганилиб келинаётган буюк бобомиз асарлари инсонпаварлик, тинчлик ва осойишталик, миллатларро ва динларро тутувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамхијат-



АЖДОДЛАРНИНГ БУЮК МЕРОСИ

навқирон авлод камолотига хизмат қилмоқда

лик, комил шахс тарбияси каби эзгу фойлар билан йўргилгани боис мангулника даҳлдордир. Алишер Навоий асарлари кўплаб тилларга таржи-ма қилиниб, иходи жаҳон олим ва тадқиқотлари томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилаётгани улуғ шоир даҳсига башариятнинг чексиз эктироми рамзиид. Зоро, сайдаримизда шиддатли глобаллашув жараёни, инсон онги ва тафаккури учун мислив курашлар кечайтган буғунги мурakkab шароитда Алишер Нা-

вой мероси янада долзарб аҳамият касб этайдир.

Ўзбек адабиёти осмонидаги кўёш сингари чараклаб турган улуғ шоир ижодининг ҳар бир сатридан маърифат ва эзгулини нурлари унинг ижодий кредити янглиг балқиб туради. Шоир "Бадоеъ ўл-бидор" дебочасида: "Девоне топилгайким, анда маърифатимиз бир фазал топилмагай. Ва ғазале бўлгайким, анда мавзизатангиз бир байт бўлмагай. Мундок девон битилса, худ асру бехуда заҳмат ва зоёз машақат тортил-

ғон бўлгай" деб алоҳида таъкидлаши ҳам бежиз эмас. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, улуғ шоир асарларининг деярли барчасида юкоридағи таъкидига содик қолган. Жумладан, "Хайрат ул-абор" ва "Маҳбуб ул-кулуб" сингари асарлари ушбу ҳаётбахш дидактиканинг ёрқин саҳифалари ташкил этади. "Маҳбуб ул-кулуб"нинг "Ҳамида афъол ва замима хисол хосиятида" деб номланган иккичи кисмимизда инсон табиатидаги яхши ва ёмон сифатлар хусусида фикр миз далилларидир.

(Давоми иккичи бетда)

Мамлакатимизда Конституциямизга, ҳалқаро тамоилларга ва ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибаларига мувофиқ одил судлов тамоилларини ривожлантириш, хусусан, судьяликка номзодларни танлаш, уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда жой-жойига қўйишга, уларнинг моддий таъминотини янада яхшилашга, энг муҳими, фуқароларнинг адолатли суд мұхқамасига бўлган ҳуқуқларни самарали таъминлашга қаратилган илоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, бу борадаги қонунчилик асослари изчилик билан тақомиллаштириб келинмоқда. Зоро, ҳар бир демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қиласи.

Yangi қонун төмийати

Суд-ҳуқуқ тизими самарадорлиги

янги қонун асосида янада тақомиллаштирилди

Айтиш керакки, Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза килишини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ҳамда 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича ташкил чора-тадбирлар тўғриси-

"ги фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимияти нуфузини янада ошириш, судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишинг замонавий, демократик таалабларга жавоб берадиган самарали тизимини яратишида мухим аҳамият касб этди.

(Давоми учинчи бетда)

Istohot va samara

Кассация тартибида иши юритиш

одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг тартиби қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини тубдан илоҳот килиши, хусусан, суд ҳокимиятининг мустаҳкамлашта қаратилган кенг кўлмали чора-тадбирлар изчилик билан амалга оширилаётгани инсон ҳуқуқ, ва эркинликларни ҳимоя қилиш самарадорлигини оширимоқда.

Судларнинг жинонӣ, фуқаролик жамиятида шакллантиришнинг тартиби қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини тубдан илоҳот килиши, хусусан, суд ҳокимиятининг мустаҳкамлашта қаратилган кенг кўлмали чора-тадбирлар изчилик билан амалга оширилаётгани инсон ҳуқуқ, ва эркинликларни ҳимоя қилиш самарадорлигини оширимоқда.

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида" ги қонунга биноан, қонуний

кучга кирмаган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят, протестларни кўриб чикувчи апелляция инстанцияси жорий этилди.

Айни пайдада кассация тартибида иши юритиш, яны қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят ва протестлар асосида ишни юқори инстанцияда кўриш тартиби бегиланди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ, ва

эркинликларни тўлиқ таъминлаш борасида барча зарур шарт-шаронлар яратилган бўлиб, ҳар бир шахс улардан кенг фойдаланади.

Niyoqiyat tarifat

Муомала лаёқати

у фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда қандай ўрин тутади?

Айтиш жоизки, муомала лаёқати фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини олиш, амалга ошириш, ўзлари учун фуқаролик бурчаларни вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатидир. Муомала лаёқати айрим юридик ҳаракатларни амалга ошириш, масалан, шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш билан тавсифланади.

Муомала лаёқатидан ҳуқуқ, лаёқатидан фарқли жиҳатла-

ри мавжуд. Аникрок айтганда, барча фуқаролар ҳам муомала лаёқатидан эга бўлолмаслиги мумкин. Янын муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар акли расолик билан ўз ҳаракатларини оқибатини тўлиқ тушнади ва уни бошкара олади. Айнумумкини, янги туғилган бола тўлиқ равишда ҳуқуқ лаёқатига эга бўлса-да, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан биронта ҳуқуқ ёки мажбуриятни олмайди.

(Давоми иккичи бетда)

Oqin ko`magi

Шартномавий муносабатлар

қонун талабига қатъий риоя
этишни тақозо қиласи



Маълумки, жамоат жойларида халқимиз азалдан қадрлаб келган одоб-ахлоқ мөъёларига қатъий риоя қилиш, аввало, ҳар бир кишининг инсоний фазилати саналади. Шунингдек, одамлар билан ўзаро муносабатда ширинсўз бўлиш, ҳар қандай вазиятда босиқлик, вазмийлик, мулоҳаза билан иш тутиш, кўнгил рафткорига, кишилар қулфи-дилига йўл топа олиш энг юқсан инсоний фазилатлар сирасига киради.

(Давоми иккичи бетда)

Одоб – инсон зийнати

унга амал қилганлар ҳурмат-иззатга
сазовор бўлади

Ўзгаларнинг хотиржамлигини бузиш, безорилик оқибатида турли даражада тан жароҳати етказиш эса, одоб-ахлоқ доирасидан четга чи-

киш хисобланади. Безорилик шундай ҳаракатлардан бирни бўлиб, у шахсни уриш-дўп-послаш, унга ёнгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг

мулкига анча микдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлик холда содир этилади.

(Давоми учинчи бетда)

